БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 73 (11822). | Чоршанба, 29 март, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЭКИШГА ШАЙМИСИЗ



Қорақалпоғистон АССР, Кегайли районидаги «Халқабод» совхозининг коллективи етти йиллигининг учинчи баҳорини уюшқоқлик билан кутиб олди. Улар бу йил ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини белгилашга нисбатан 3,7 процентдан кўпайтиришга, давлатга пландан ташқари 1830 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Олинган мажбуриятни муваффақиятли бажаришда муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган совхоз механизаторлари барча қишлоқ хўжалик машиналарини экишга шай қилдилар. СУРАТДА: совхознинг илғор слесарлари Ж. БЕКБЕРГЕНОВ ва Т. ЕРИМБЕТОВ ўртоқлар янги «СТВХ-4» маркали сеялкани чигит экишга тайёрламоқдалар.

Н. Медведев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАРТИЯ, ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН ЮКСАК!

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бутун жўшқин фаолияти халқнинг бахт-саодати тўғрисида, ҳар бир совет кишисининг фаровон ҳаёти ҳақида. Ватанимизни янада гуллатиб-яшнатиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишга бағишлангандир. Халқ эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фаолиятининг олий қонунидир. Бу улуғ ғамхўрликка жавобан меҳнат қилиш, партия ва давлат манфаатларини ҳамма нарсадан устун тутиш ва кўз қорачиғидек сақлаш — социалистик жамият кишисининг олижаноб ва муқаддас бурчидир.

Оташин ватанпарварлик ҳисси билан суғорилган совет кишилари Коммунистик партия томонидан мамлакат олдига қўйилган улуғвор вазифаларни — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, Ватанимиз куч-қудратини янада оширишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Минг-минглаб ватанпарварларнинг қўриқ ерларга, чўлларни обод этишга бораётганликлари, янги шаҳарлар, гигант индустриал марказлар вужудга келтираётганликларининг боиси ана шунда. Ўз ҳузур-халоватларидан кечиб, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш учун, юз берган қийинчилик ва оғирликларни сабот билан енгиш учун бошланиб кетган гаганавачилик ҳаракатининг ҳамма ерда кенг илдиз отганлигининг сабаби ҳам мана шунда!

Бизда партия, ҳукумат ва халқ олдида берилган ваъдаларни, олинган мажбуриятларни бажариш традиция бўлиб қолган. Совет кишилари масъулиятсизлик ва бепарволик билан гапирадиган, қуруқ ваъда берадиган алдамчиларни, амалпарастларни ёмон кўради. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, олинган мажбурият у ёқда турсин, ҳатто давлат планининг бажарилиши хавф остида қолади, ана шундай пайтда ўз шуҳратини, обрўсини сақлаш қолиш учун интиладиган айрим ходимлар алдамчилик, кўзбўямачилик йўлига ўтиб оладилар, рақамларни бўртириб кўрсатадилар, ҳатто рақамларни ошириб ёзишдан ҳам тап тортмайдилар. Бундай кишиларни коммунист деб бўлмайди, улар ўз ақли, иродаси, ҳалол меҳнати билан эмас, балки турли ҳийла-найранглар билан сохта обрў қозонишга интилувчи амалпарастлардир.

Қорақалпоғистон автоном республикасидаги партия ва совет ташкилотларининг айрим ходимлари тўғридан-тўғри давлатни алдаш йўлига ўтганлар. Улар ўз манфаатларини кўзлаб, кўзбўямачилик қилганлар. Тўрткўл шаҳар партия комитетининг собиқ секретари Абдалов, Чимбой пахта тозалаш заводининг собиқ директори Қутлибулатов, Қорақалпоғистон республика матлубот кооперацияси жамиятининг илгариги раиси Матчонов, Қўнғирот район партия комитетининг собиқ секретари Шарипов ва бошқалар ўзларининг давлат ва партияга хилоф бўлган хатти-ҳаракатлари билан ҳатто жиноий иш қилишгача бориб етдилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларни тайёрлаш ва давлатга пахта сотишда алдамчилик қилганлар, маҳсулот миқдорини ортиқча ёзиш йўли билан давлат планларини бажарилди деб юқори ташкилотларга рапорт берганлар, қонунсиз равишда коллектив хўжаликлар ҳисобига бозорлардан юқори нархларда чорва моллари ва маҳсулотлар сотиб олиб, давлатга топшириш каби зарарли иш билан шуғулланиб келганлар.

Бу билан улар давлат ва халқ манфаатларига зарар етказганлар. Қорақалпоғистон область партия комитетининг раҳбарлари бўлса бундай ярамас ҳолларга нисбатан принципсизлик, келишувчилик қилганлар, кадрларни танлаш ва тарбиялашда жиддий хатоларга йўл қўйганлар. Қорақалпоғистон область партия комитетининг пленуми ҳам ана шу хатоларни қатъий қоралади ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюросининг шу тўғрида қабул қилган қарорини бирдамлик билан маъқуллади.

«Ўзбекбирлашув» системасида ҳам давлат манфаатларига хилоф хатти-ҳаракатлар юз берди. «Ўзбекбирлашув»нинг собиқ раиси Ҳ. Юнусов партия аъзоси этикасини йўқотиб қўйди, аппаратда хушомадгўйлик вазиятини вужудга келтирди. Ҳ. Юнусов ва унинг ўринбосарлари М. Ф. Ардабьев, У. Назиров, савдо бошқармасининг бошлиғи А. Я. Ковзеридзелар ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, давлат мулкини, маблағларини суиистеъмол қилдилар. Улар матлубот кооперацияси системасига бетайин, тасодифий кишиларнинг суқилиб киришлари учун шароит туғдирдилар.

Партия ва давлат манфаатларига зид бўлган ножўя ҳодисаларга қарши шафқатсиз курашиш керак. Кўзбўямачи, амалпарастларнинг кирдикорларини фош этиб ташлаш зарур. Текинхўрлик, давлат мулки ва маблағларини суиистеъмол қилиш, жамоат меҳнатидан қочиш, бошқалар ҳисобига кун кўриш, енгил-елпи йўл билан бойлик орттириш, хусусий мулкчилик психологияси сингари офатларни илдиз билан йўқотиш керак.

Ҳар бир ходимнинг фазилатлари унинг қандай соҳада ва қайси участкада ишлашидан қатъи назар, даставвал давлат манфаатларини кўзлаб иш тутишида, умумхалқ манфаати йўлида фидокорлик кўрсатишида ёрқин кўринади.

Чинакам ташкилотчи раҳбар партия ва давлат олдида сўз берган экан, у ўз сўзининг устидан чиқишни асосий вазифаси деб билади, у ёки бу участкада етарли миқдорда моддий-материал ресурслари бўлган бир пайтда давлатдан яна қўшимча техника ёки бошқа воситалар билан ёрдам олишни кутиб турмайди, балки мавжуд бўлган базага таяниб, резервлардан фойдаланиб, хўжаликни ривожлантириш учун курашади, омманинг ижодий ҳаракатига бошчилик қилади.

Аммо шундай партия ва совет ходимлари ҳам борки, улар ўз ишлари оқсаб қолса, аллақандай ўринсиз баҳоналар қидиришга уринадилар, юқоридан ёрдам беришини кутиб, маҳаллий ресурсларни ишга солиш ҳақида қайғирмайдилар, бошқаларга ва ўзларига нисбатан талабчанликни кучайтирмайдилар, аксинча масъулиятсизлик, бепарволик қиладилар. Мана шундай хатти-ҳаракатлар давлат ва партия манфаатларидан юз ўгиришдир. Яхши раҳбар бундай аҳвол билан сира келиша олмайди. У партия йўлини қаттиққўллик ва сабот-матонат билан амалга оширади, қолоқ кайфиятлар олдида тиз чўкмайди, аксинча ҳар қандай нотўғри уринишларга кескин зарба бериб, бошқалар учун илғорлик сари йўл очиб беради, ички имкониятларни моҳирлик билан ишга солишда ташкилотчилик кўрсатади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг зонал кенгашларида сўзлаган ёрқин нутқларида асослаб берилган улуғвор вазифалар ҳар бир партия ва совет раҳбар ходимидан омма ўртасида олиб борилаётган ташкилотчилик ишларини юксак даражага кўтаришни талаб қилади, меҳнаткашларни давлат ва партия манфаатлари руҳида тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўяди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни тағин ҳам кўпайтириш, республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш, бу йил она-Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан умумхалқ мусобақасини янада авж олдириш — партия ташкилотларимизнинг жанговар вазифасидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев таъкидлаб кўрсатганидек, Совет халқи коммунистик жамиятни — социализмнинг юқори фазасини қурмоқда. Лекин коммунистик жамиятнинг ўзи ҳам ижтимоий турмушнинг қотиб қолган формаси бўлиб қолмайди, коммунистик эртада яшайдиган кишилар бугуннинг ўзида меҳнат қилмоқдалар ва тарбияланмоқдалар ва улар қўл қовуштириб ўтиришни истамайдилар, қўл қовуштириб ўтирмайдилар. Жамиятнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш кишига энг юксак инсоний қувонч бағишлайди. Ҳамма вақт бирор янги нарса яратаберіш, табиатнинг янги сирларини очиб, табиат бойликларини инсонга хизмат қилдириш — зотан турмушнинг маъноси шунинг ўзи эмасми, ахир!

Партия, давлат ва халқ манфаатларини юксак тутиш ва шу манфаатлар йўлида, коммунистик жамият барпо этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиш — муқаддас бурчимиздир.

Деҳқон ўртоқ! Шудгорни кеча-кундуз борона қил ❁ Тупроқдаги намни яхши сақла ❁ Ернинг шўрини юв, запас суғоришга зўр бер ❁ Экишга ҳар тарафлама шай бўлиб тур ❁ Тайёргарлик ишларини доим текшириб бор.

Аҳдимиз — 50 центнер

Биз ўтган йили 42 гектар ерга чигит эккан эдик. Уни ердан бир текис ундириб олиш осон бўлмади. Кўпгина қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Ҳар бир чигитнинг соғлом унини учун қаттиқ кураш олиб борилди. Бригадамизнинг тан-жони соғ, юрагида ўтибор ҳар бир аъзоси далага чиқди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарib ишладик. Ғўза юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилинди, талабига қараб қондирib суғорилди. Хуллас, мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиргунча ҳеч биримиз тиниб-тинчимадик. Пахта йиғим-терими ҳам зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машинада терилди. Ўзим «ХВС-1.2» машинасида 308 тонна пахта тердим.

Бригадамизда ҳаммаси бўлиб етти киши ишлайди. Уларнинг кўпчилиги механизатор. Чигит экишдан тортиб пахта йиғим-теримигача бўлган ишларнинг ҳаммаси ўз кучимиз билан бажаюлади.

Етти йилликнинг иккинчи йилини ажойиб меҳнат муваффақиятлари билан якунладик. 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 49,2 центнердан ҳосил кўтарилди. Бир центнер пахта етиштириш учун бор-йўғи 4,1 меҳнат куни сарф қилинди. Ҳар бир меҳнат кунига 34 сўмдан пул тақсимланди.

Ўтган йили бригадамиз аъзолари Рустам Усарбоев бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари билан беллашган эдилар. Мусобақадошларимиз бир нарсада ютишди. Улар пахтанинг ҳар центнери учун меҳнатни бизникига нисбатан бирмунча кам сарфлади. Мусобақадошларимизнинг бу муваффақияти бизни қувонтиради. Бригадамиз аъзолари бу йил пахтанинг таннархини арзонлаштиришда мусобақадошларимиздан ўрнак оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалигини ва айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Январь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш бригадамиз аъзоларининг шарафли бурчидир. Биз бу йил пахта майдонини икки баравардан ҳам зиёдроқ кенгайтирдик. Ҳозир ерни экишга тахт қилиб қўйдик. Бу йил 100 гектар ерга чигит экамиз. Гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз! Қатъий аҳдимиз шу.

Ф. СЕФИРШАЕВ,
Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози трактор-далачилик бригадаси бошлиғи.

ДАЛА ИШЛАРИ СУСТ

«Ленинчи йўл» колхозининг пахтакорлари бу йилги олган мажбуриятларини бажариш учун ҳозирданоқ резервларни ишга солмоқдалар. Пахта далаларига 5 минг тоннадан зиёд гўнг ташиб чиқарилди. Маҳаллий ўғит тайёрлашда ташаббус кўрсатаётган комсомол-ёшлар ҳар гектар ер ҳисобига камида 14-15 тоннадан гўнг тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Колхозда суғориш тармоқларини тозалаш ҳам тугалланай деб қолди. Қишлоқ хўжалик машиналарининг асосий қисми ремонтдан чиқарилди.

Гайбулла Юнусов ва Муталли Қосимов бошлиқ бригадаларда иккита бульдозер ишлаб турибди. Бу бригадаларда ерлар кафтдек қилиб текисланмоқда.

Ленин номли колхозда эса кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик мутлақо бошқача аҳволда. Колхоз 2600 гектар ерга чигит экиб, давлатга 8750 тонна «оқ олтин» етиштириб бериши керак. Бу вазифани адо этиш учун ҳозирдан тайёргарлик кўрмаса бўлмайди. Афсуски, чигит экишга тайёргарлик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда.

Техникани ремонт қилиш қандай бораётганлигини олиб кўрайлик. Ҳайдов тракторларининг энди 50 проценти тахт қилинди. Ерлар етилиши билан 20 та сеялка ишга тушиши керак. Ремонт қилингани эса 5 та, холос.

Маҳаллий ўғит тайёрлаш ва уни сақлашда ҳам катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Омонбой Бойхонов, Усмон Ортиқов, Юсуфжон Иброҳимов бошлиқ бригадаларда далага ташиб чиқарилган гўнг ҳар ер-ҳар ерга тўкиб кетилган, усти кўмилмаган. Натижада гўнг ўз кучини йўқотмоқда.

Бу йил 2400 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш планлаштирилган. Бу ишга ҳам ўз вақтида тайёргарлик кўрилмаяпти. Режа сими тортиб квадрат-уялаб экиладиган майдонлар ҳануз ажратилмаган. Экиш агрегатларининг экипажлари эса ўқитилмаган, ремонт қилинган сеялкалар синаб кўрилган эмас.

Колхоз раиси Ортиқбой Қўчқоров, партия ташкилотининг секретари Иброҳим Шомирзаев ва колхознинг бош агрономи Сайфиддин Убайдуллаев ўртоқлар дала ишларини кучайтириш тўғрисида жон куйдирмаётирлар.

А. ХАЛИЛОВ,
Э. ҲАМИДОВ.
Уйчи райони.

БОҒ БЎЛАДИ

Киров номли колхоз қишлоғидаги ҳашаматли мактаб биноси кишн диққатини жалб қилади. Бир вақтлар бу ерлар тепалик эди. Колхозчилар меҳнати билан янги мактаб биноси қад кўтарди. Оржоникидзе районидаги 34-мактаб ўқувчилари шу кунларда мактаб саҳнини боғ-роққа, гулзорга айлантириш учун қизғин киришдилар. Мактаб ҳовлисига 5000 тупга яқин олма, ўрик, шафтоли, олхўри, олча, тут кўчатлари ўтказилди. Бу мактаб ҳовлисининг ям-яшил хиёбонга айланиши учун замин бўлади.

Ю. ЗИЕДОВ.

Бу йил ҳам ёмон тайёрланяпсиз

Ўрта Чирчиқ районн ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмади. Район пахтакорлари ўтган йилги дағни ювиш учун бу йил давлатга 49700 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларидан руҳланган илғор колхоз аъзолари чигит экиш кампаниясига пухта шайланмоқдалар. 1450 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен-Ҳва раис бўлган «Полярная звезда» колхозининг меҳнатсеварлари чигит экишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдилар. Бу ерда ҳар гектар ҳисобига 15 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Барча ҳайдов трактори ва «универсал», 28 та сеялка, 183 та борона сифатли ремонт қилиниб, бригадаларга жўнатилди. Ариқ-зовурлар аллақачон қазилиб бўлинган.

Колхозда бу йил 900 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади. Майдонлар аниқланиб, карталар кенгайтирилди ва биринчи бороналаб қўйилди. 25 кишидан иборат икки экипаж махсус курсни тамомлаб, ҳозир тажриба машғулоти ўтказмоқда. 1200 гектар ернинг пахтаси машинада терилади. 36-38 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Холмат Бойжигитов, Ғулом Боётов, Анвар Ўролов ва Худоёр Қополов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ерларнинг ҳаммасини текислаб, квадрат-уялаб экишни бошлаш арафасида турибдилар. Шунингдек, Охунбобоев номли, Свердлов номли ва Ленин номли колхозлар ҳам чигит экишга ҳар томонлама тайёргарлик кўриб қўйдилар.

Афсуски, райондаги кўпчилик колхозларда тайёргарлик олинган юксак мажбурият даражасида эмас. «Полярная звезда» колхозига ери туташ бўлган Оржоникидзе номли колхоз бир неча йилдан бери пахта тайёрлаш давлат планини бажаролмайди. Бунга экишга тайёргарликнинг кечиктирилиши сабаб бўлади. Бу йил ҳам шундай. Далага 5000 тонна ўрнига, энди 2080 тонна маҳаллий ўғит чиқарилган. 523 тонна суперфосфатнинг ҳозиргача бир тоннаси ҳам ташиб келтирилмаган. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонти тамомланмаган. Ҳали 6 та «ДТ-24» ва 10 та «универсал», 10 сеялка ремонт қилинмай туради. Ремонт қилинганлари ҳам техника талабларига жавоб бермайди.

Колхоз бу йил 750 гектар ерга чигит экиши керак. Лекин ерларни текислашга эндигина киришилган. Квадрат-уялаб чигит экиладиган 300 гектар ерга кузда шудгор қилинганича қўл текизилмаган. Колхоз раҳбарлари қайси бригадада неча гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш кераклигини билмайдилар. Колхозда 322 ишга яроқли кишидан ҳар куни далага 100-112 киши чиқмоқда. Бунинг сабаби шуки, кўклам ишларининг аниқ плани тузилмаган, бригадаларга дала ишлари юзасидан нарядлар берилмайди. Колхоз раиси Пак, партия ташкилотининг секретари Раҳимов ўртоқлар ишларни планли ва аниқ график асосида олиб боришни ўйламайдилар.

Сталин номли, Куйбишев номли, «Ленин йўли», М. Горький номли, Энгельс номли колхозлар ва Киров номли совхозда олиб борилаётган ишлар ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Бу хўжаликларда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ўлда-жўлда ётади.

Квадрат-уялаб чигит экиладиган майдонлар ҳаммадан илгари ишланиши, текисланиши шарт. Аммо районда бу муҳим ишга ҳам етарли аҳамият берилмаётир. Масалан, Куйбишев номли колхозда (раиси С. Мадалиев) 1200 гектар ердан 885 гектарига 60х50 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экилиши керак, аммо ҳали ер текислашга киришилмаган ҳам.

Ўрта Чирчиқ районининг раҳбарлари ва барча меҳнаткашлари экишга тайёргарликни кучайтиришлари ва ўтган йилги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўришлари керак.

Тўхташ АШУРОВ,
Маҳкам ХАНАЕВ.

Механизация курсида



Аввалги йили республикамизда Турсуной битта бўлса, ўтган йили турсуной чилар мингдан ошиб кетди. Улар бу йил янада кўпаймоқда. Ҳар қайси районда ўнлаб янги турсунойчилар механизация курсларида ўқиб, трактор ҳайдашни ўрганмоқдалар.

Вревскийдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида очилган олти ойлик курсда Тошкент область колхозларидан келган 53 хотин-қиз ўқимоқда. Улар бугун «СХМ-48М», «ХВС-1,2», «СХС-1,2» терим машиналарининг қисмларини, турли маркадаги тракторларни, сеялкаларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ўрганмоқдалар. Эртага эса пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашаётган механизатор кадрлар сафига қўшиладилар. Суратларда: 1. Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Турсуной ОРТИҚАЛИЕВА тракторни бошқаришни ўрганмоқда. 2. Ўқитувчи ўртоқ Ким бир группа қизлар билан машғулот ўтказмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Н. С. ХРУШЧЕВ ҲИНДИСТОН ЭЛЧИСИ МЕНОННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

27 мартда ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Ҳиндистон элчиси К. П. Ш. Меноннн унинг илтимосига кўра қабул қилди ва у билан Лаос масаласи юзасидан суҳбатлашди.

Суҳбатда СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг Шарқи-Жанубий Осиё бўлими мудири В. И. Лихачев ҳозир бўладилар.

Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар сиёсий консультатив комитетининг мажлиси

28 мартда Москвада Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар сиёсий консультатив комитетининг мажлиси очилди.

КПСС XXII съезди шарафига

Марғилон ипак комбинати йигирув-тўқув фабрикаси йигирув цехининг ишчиси Татьяна Павловна Антропова партиямизнинг шонли XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада олдинда бориб, смена топшириғини доимо ошириб адо этмоқда. СУРАТДА: Татьяна АНТРОПОВА.

Алижон Шукуров фотоси.

ҲАММА ГАП ТАШКИЛОТЧИЛИКДА

Партия ташкилотлари структураси ўзгаргач

Қишлоқ партия ташкилоти иш тажрибасидан

Йирик колхозларда партия комитетлари, далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида эса бошланғич партия ташкилотларининг тузилиши қишлоқ коммунистларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ўстиришда, уларнинг омма ўртасида таъсирини ва авангардлик ролини оширишда муҳим роль ўйнади.

Қишлоқ партия ташкилотлари структурасида юз берган бу ўзгаришлар ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада яқинлаштирди ва бу раҳбарликнинг метод ҳамда усулларини такомиллаштириш имкониятини берди. Ғиждувон районидаги «Москва», Энгельс номли, «Зарафшон» номли колхозларда партия комитетлари, қолган 6 коллектив хўжаликда партия бюролари ишлаб турибди. Бригада ва чорвачилик фермаларида 19 бошланғич партия ташкилоти, 6 жойда партия группалари тузилди. Партия комитетлари ташкил этилган уч колхозда 784 коммунист бор. Мана шу фактнинг ўзи колхоз партия ташкилотларининг сон жиҳатдан ўсганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат ўз тақдирларини партия ҳаёти билан маҳкам боғлаб, КПСС сафига ўтиш учун ариза бераётган пахта усталари, чорвачилик ходимлари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари сони тобора кўпайиб боряпти.

Колхоз партия комитетлари ва бюролари тузилмасдан олдин, бу ташкилотларнинг раҳбарлик составида бир неча коммунистгина ишлар эди. Энди эса бундай кишиларнинг состави икки баравар кўпайди. Ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари партиявий ишга жалб этилди.

Ташкилотчи кадрлар

Колхоз партия ташкилотларининг жанговарлиги, ишчанлик маҳорати мана шу ташкилотларга қандай кишилар раҳбарлик қилишига боғлиқдир. Биз шуни ҳисобга олиб, кадрлар танлашда шошилмадик, кишиларни синчиклаб ўргандик, партияликлар оммасининг фикр ва маслаҳатларини ҳисобга олдик, одамларни тарбиялаш ва янги ишларга қўзғата олиш қобилятига эга бўлган сергайрат, жонкуяр, қишлоқ хўжалигини яхши биладиган кишилар партия ташкилотларининг секретарлигига, комитет ва бюро аъзолигига сайландилар. Колхоз партия ташкилотлари раҳбарлик составидаги кишилар орасида 7 агроном, 23 механизатор, 5 зоотехник, мўл ҳосил усталари, сут соғувчилар, чўпонлар ва маъмурий-идора ходимлари бор. Шу нарса характерликки, колхоз партия ташкилотларининг раҳбарлик вазифаларида ишлаётганларнинг кўпи ёш коммунистлар бўлиб, олий ва ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Улар омма орасида сиёсий ош олиб боришда тажриба тўплаган, анча вақт агитаторлик ва пропагандистлик қилган кишилардир.

Бригада партия ташкилотининг иш тажрибаси

«Москва» колхозининг коммунистлари партия комитети секретарлигига Маъқулой Тоировани сайлашди. У бунгача далачилик бригадасининг бошлиғи, сўнгра қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлар эди. У бу вазифаларда хизмат қилганида омманинг чинакам ташкилотчиси сифатида танилди. Унинг дадил ва принципиал иш тутиши раҳбарга хос хислатларни тарбиялар эди. Етарли билим ва малакага эга бўлган бу ёш жувон янгилик учун интилади, илғор, прогрессив усулларни жорий этишда маҳорат кўрсатди. Колхоз коммунистлари унга ишонч билдириб, тўғри иш қилганликлари тез орада билиниб қолди.

Колхоз партия комитети артелнинг бутун хўжалик фаолиятига жонли, конкрет раҳбарлик қилмоқда. Коммунистларнинг 85 процценти ишлаб чиқаришда шуғулланади. Булар ўз бурчларини яхши англаб, колхозчиларнинг авангарди сифатида танилдилар. Шу колхозда 5 жойда бошланғич партия ташкилоти бор. Трактор-далачилик бригадаларининг бирида Самарқанд Давлат университетини тугаллаган Қидир Мирзаев бошчилик қиляпти. Бу бригадада бошланғич партия ташкилоти бўлиб, унинг теварагида 7 коммунист уюшган. Партия ташкилоти бригаданинг бутун ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни изчил ҳал этяпти. Яқинда шу бригаданинг аъзолари коммунистик меҳнат бригадаси номини олишга қарор бердилар.

Бригада аъзолари коммунистчасига меҳнат қилиб, хўжалик соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бу бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтарди. Коммунист Рўзи Орипов бошлиқ звено эса гектаридан 70 центнердан ҳосил олди. Бригадада бутун иш механизациялаштирилган, кетмон аллақачонлар сиқиб чиқарилган.

«Москва» колхози етти йилликнинг иккинчи йилини катта натижалар билан якунлади. Пахта, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар оширилди. Ҳозир бу колхоз партия ташкилоти қишлоқ меҳнаткашларини чигит экишни тез ва юқори сифатли ўтказишга, мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратишга сафарбар этмоқда.

Энгельс номли, Калинин номли ва «Гулистон» колхози партия ташкилотларининг иши ҳақида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин. Бу колхозларнинг коммунистлари хўжаликни комплекс ривожлантириш, ички резервларни кўпроқ ишга солиш соҳасида янги-янги ташаббус билан майдонга чиқмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда ва зонал кенгашларда сўзлаган нутқларида белгилаб ва асослаб берилган вазифаларни амалга оширишга ўчун бутун куч-ғайратларини сарф этмоқдалар.

Колхоз партия ташкилотларининг сиёсий-хўжалик вазифаларини бажаришга ижодий ёндашишлари, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, материал ва маблағларни мумкин қадар кўпроқ иқтисод қилиш имкониятини бермоқда. Масалан, Калинин номли колхоз партия ташкилотининг партиясиз активлари билан ўтказилган мажлисида колхозлараро мол боқиш базаси ташкил этиш масаласи кўтарилди. Ўз навбатида район партия комитети ва район ижроия комитети бу масаланинг моҳиятини чуқур ўрганди ва дастлаб ана шу икки колхоз — Сталин номли ва Калинин номли колхозларда тажриба қилиб кўрилди. Натижа яхши бўлиб чиқди ва мол боқиш базаси ҳамма колхозларга хизмат кўрсатадиган қилиб қайта ташкил этилди. Бу базада 9 колхознинг моли боқиляпти. Илгарилари ҳар қайси колхоз мол боқиш фермасида 5-11 киши ишлаган бўлса, бу базада фақат 9 киши хизмат қиляпти. Кейинги 8 ой ичида мана шу базанинг вужудга келтирилганлиги ҳар бир колхозда ўрта ҳисобда 8-10 минг сўмдан фойда олиш мумкин бўлди.

Коммунистлар ва комсомоллар етакчи

Колхоз партия ташкилотларининг ишчанлигини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг фаолиятини контроль қилиб туришга ва бу тўғрида райком пленумлари ва бюро йиғилишларида масалалар муҳокама қилиб боришга боғлиқдир. Ўтган йилнинг ўрталарида Сталин номли колхоз партия ташкилотининг секретари Отақул Вафоевнинг комсомол ташкилотига қандай раҳбарлик кўрсатилаётганлиги ҳақидаги доклади райком бюросида муҳокама қилинди. Колхозда 293 комсомол бор. Бу катта куч, албатта. Партия ташкилоти комсомол комитетига раҳбарликни яхшилай олди ва йигит, қизларнинг жамоат меҳнатида активлигини ошириш, улардан энг яхшиларини ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш вазифаларига тортишда анча тажриба тўплади. Бу ерда комсомоллар сут-товар фермасини оталикка олдилар. Ўтган йили ўрта мактабни тамомлаган йигит ва қизлардан 17 киши фермаларда доимий ишлашга келди. Улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига катта мажбурият олиб, Бухоро область чорвадорларига хат билан мурожаат қилдилар.

Колхоз ёшлари ўз аҳдларининг устидан чиқдилар. Улар ҳар бир сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олдилар.

Райком бюроси Сталин номли колхоз партия ташкилотининг комсомолга раҳбарликни яхшилашдаги ишини қайд қилиш билан бирга юз бериб келаётган камчиликларни ҳам кўрсатди. Бу камчиликлар даставвал комсомоллар ўртасида сиёсий ва эстетик тарбиянинг бўш қўйилганлиги, айрим ёшлар меҳнатда пассив қатнашаётганликлари, комсомол маорифи шохобчаларидаги тўгаракларда машғулотларнинг юксак савияда ўтмаётганлигидир. Райком бюроси мана шу нуқсонларни тезда йўқотиш учун тегишли тадбирлар белгилади ва ўз инструкторини шу колхозга юборди. райком белгилаган тадбирлар комсомол-ёшларнинг йиғилишида муҳокама қилинди.

Райком бюроси «Москва» колхози партия ташкилотининг колхозчилар орасида сиёсий-оммавий ишларни қандай уюштиргани ҳақидаги докладини ҳам муҳокама қилди.

Колхоз партия ташкилотлари секретарлари, комитет ва бюро аъзоларини партиявий раҳбарлик ишда чиниқтириш ва уларга ташкилий иш принципларини ўргатишда доимий ҳаракатдаги семинар катта роль ўйнамоқда.

Катта режалар

Бу йил районимиз олдида катта вазифалар турибди. Давлатга 34 минг тонна пахта сотишимиз, 3500 тонна гўшт, 6100 тонна сут, 588 тонна жун, 291 тонна пилла етиштиришимиз керак. Бу мажбуриятларнинг бажарилиши колхоз партия ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини ўстиришга, уларнинг ишлаб чиқаришга раҳбарлик даражасини янада юқори кўтаришга, коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ролини оширишга боғлиқдир. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Марказий Комитет январь Пленумида ва зонал кенгашларда сўзлаган нутқларида хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш масаласи энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. Биз мана шу кўрсатмага амал қилиб, колхоз партия ташкилотларининг ташкилотчилик ролини тағин ҳам оширамиз ва шу йўл билан меҳнаткашларни янги ишларга сафарбар этиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳеч сўзсиз бажарамиз.

Даврон ҚУРБОНОВ,
Бухоро область, Ғиждувон район партия комитетининг секретари.

МУҲИМ ҚУРИЛИШЛАРГА —АСОСИЙ ЭЪТИБОР

Министрлик ўтган йили белгиланган планни ошириб бажарган бўлса ҳам, лекин энг муҳим объектларни ва саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини қуриш топшириғи қониқарсиз бўлди. Бир қанча энг муҳим корхоналарда бошланган ишлар охирига етказилмади, оқибатда қўшимча қувватлар ишга туширилмай қолди. Шунингдек. республикамиз меҳнаткашларига 43,7 минг квадрат метр уй-жой кам берилди.

Бундай камчиликларга йўл қўйилишининг асосий сабаби шуки, қурилишлар зарур материаллар билан ўз вақтида таъминлаб турилмади, баъзи объектларга технологик машина-ускуналар етишмай қолди, иккинчи томондан, баъзи трест ва бошқармаларнинг раҳбарлари айрим қурилиш майдонларида ишни яхши ташкил этмадилар, энг муҳим объектларга асосий эътиборни бермадилар. Кўп жойларда моддий ресурслар ва бошқа ресурслар планда кўрсатилмаган ёки иккинчи даражали қурилишларга сарфлаб юборилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ишимиздаги бундай катта нуқсонларни кўрсатиб, бу нуқсонларни тезда тугатиш вазифасини қўйдилар.

Қурилиш министрлиги шу йилнинг бошида бир қанча муҳим тадбирларни ишлаб чиқди. Унда аввало энг муҳим қурилишлар ва объектлар бўйича белгиланган планни тўла ва ошириб бажаришга асосий эътибор берилди. Моддий ресурслари, механизмлар, малакали ишчи кадрлар энг муҳим қурилишларга ва объектларга юборилди. Министрлик қурилиш ташкилотларининг планда кўрсатилмаган ишларни бажаришини, асосий план учун олинган маблағни ўзаро тузилган шартномалар за бошқа йўллар билан таъмин этиладиган объектлар қуришга сарфлашни тақиқлади.

Бу тадбирлар қисқа вақт ичидаёқ яхши самара бера бошлади. Январь ва февраль ойларида олтита энг асосий қурилиш бўйича план 117,4 процент бажарилди. Чирчиқ электрокимё комбинати, Олмалиқдаги Олтинтопган комбинати, Оҳангарон цемент заводи, Тошкент ГРЭСини қуриш плани анча ошириб адо этилди.

Халқ хўжалиги кенгаши қурилишлари бўйича икки ойлик план 103,9 процент бажарилгани ҳолда, энг муҳим деб ҳисобга олинган 47 корхона ва объект бўйича январь ва фезраль ойларида қурилиш-монтаж ишлари плани 109 процент бажарилди.

Оҳангарон цемент заводи қурувчилари қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг 14 мартида айланма печнинг биринчи блоки, орадан уч кун ўтгач, иккинчи блоки ўрнатилди.

Олмалиқдаги мис бойитиш фабрикасининг қурувчилари ва монтажчилари коллективи 20 март куни ток пасайтирадиган асосий подстанцияни ишга туширдилар. Бу подстанция иш бошлаши билан В. И. Ленин номли Олтинтопган полиметалл комбинати мис бойитиш фабрикасининг технологик машина-ускуналарини юргизиб юбориш ва фабрика биринчи секцияси комплексига кирадиган ҳамма майдалаш установкаларида созлаш ишларини тезлаштириш имконияти туғилди.

Шу билан бирга тан олишимиз керакки, биз ҳали ҳам барча муҳим қурилишларда планнинг бажарилишига эришолганимиз йўқ. Айрим трест ва бошқармаларнинг раҳбарлари саноатнинг етакчи тармоқлари объектларини тезроқ ишга туширишнинг нақадар катта халқ хўжалиги аҳамияти борлигини тушуниб етмаганга ўхшайдилар. Шу нарса ажабланарлики, аввалари республикада илғор ҳисобланган Фарғонадаги 8-трест (бошқарувчиси Пономарев, бош инженери Алтухин ўртоқлар) шу йилнинг январь ва февраль ойлари планини 90,4 процент бажарди. Трест коллективи қураётган иккита энг муҳим объектда эса кўрсаткич бундан ҳам пасайиб кетди: Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бўйича план 83,8 процент ва азот-ўғит заводи бўйича атиги 69,6 процент бажарилди. Трест раҳбарлари мана шу энг муҳим қурилишларга кўпроқ эътибор берганларида, моддий ресурслар, энг малакали ишчилар ва механизмларни шу объектларга юборганларида эди, планни бажариш ва ҳатто ошириб бажариш мумкин бўлар эди.

Оҳангарон кўмир разрези, Фарғона ёғ ва тўқимачилик комбинатлари, Самарқанд консерва заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент лак-бўёқ заводи, Андижон консерва ва сут заводлари сингари корхоналар бўйича ҳам белгиланган план бажарилмай қолди.

Қурилиш ташкилотларимизнинг асосий вазифаси шуки, улар ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлар яна такрорланишининг олдини олишлари ва энг муҳими — давлат капитал маблағлари ҳисобига қуриладиган объектлар учун ажратилган материаллар ва механизмларнинг иккинчи даражали қурилишларда ишлатиб юборилишига йўл қўймасликлари ва планни энг муҳим объектлар ва уй-жой қурилиши ҳисобига ошириб бажаришлари лозим.

Министрлик мактаб бинолари қуриш планини ўтган икки ойда 101,6 процент бажарди. Лекин ҳали ҳамма умумқурилиш трестлари ҳам интернат-мактабларнинг ўқув биноларини қуришни авж олдириб юборганлари йўқ. 8-трест Фарғонадаги интернат-мактабнинг ўқув биносини, 163-трест эса (бошқарувчиси ўртоқ Стефанюк) Коғон ва Отбозордаги интернат-мактабларнинг ўқув биноларини қуриш ишларини ҳали бошлаганлари йўқ.

Интернат-мактабларнинг ётоқхоналарини қуриш ҳам қониқарсиз бормоқда. Шу йилнинг икки ойида ётоқхоналар қуриш плани 75,4 процент бажарилди, холос. Интернат-мактабларнинг ётоқхоналарини қуришдаги бундай қолоқликнинг сабаби шуки, баъзи объектларнинг техникавий ҳужжатлари ҳалигача тайёрлаб берилмаган ва бино қуриладиган ер майдони ажратилмаган. Жумладан, Тошкент шаҳрида техника ҳужжатлари тайёрлаб берилмаганлиги ва ер ажратилмаганлиги сабабли бешта ётоқхонада январь ва февраль ойларида ҳеч нарса иш қилингани йўқ. Андижон ва Хоразм областларида ҳам шундай ҳол рўй бермоқда.

Министрлик бўйича уй-жой қуриш плани ўтган икки ойда 105,2 процент бажарилди. Бироқ, шундай қурилиш ташкилотлари ҳам борки, ўтган йилдан қолган битай деб турган бинолари бўлишига қарамай, икки ой мобайнида битта ҳам уйни фойдаланишга топширмаганлар. Самарқанддаги 150-, Бухородаги 163-, Термиздаги 165- ва Нукусдаги 166-трестлар шулар жумласидандир.

Министрликнинг қурилиш индустрияси бош бошқармасига қарашли корхоналари қурилиш ташкилотларидан орқада қолмоқдалар ва уларга зарур буюмлар, деталлар ва материалларни вақтида етказиб бермаётирлар. Баъзан шундай ҳам бўладики, қурилишни бошлаш ёки тугаллаш графигида белгиланган муддат ўтиб кетганда ҳам, йиғма темир-бетон, дераза ва эшик блоклари, металл конструкциялардан дарак бўлмайди. Қурилиш индустрияси бошқармаси январь ва февраль ойларида айниқса ёмон ишлади ва қурилишларга 3700 кубометр темир-бетон конструкциясини кам етказиб берди.

Арматураси илгаридан таранг тортилган темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш планя ёмон бажарилмоқда. Қурилиш индустрияси бошқармаси ўз ишини ҳаётияни яхшилаши лозим, чунки бинокорлик саноати корхоналари орқада қоладиган бўлса, қурилиш-монтаж ишлари плани ҳам бажарилмаслиги табиийдир.

Шуни эътиборга олиб, министрлик бу йил ишлаб чиқариш базасини янада кенгайтиришга, республикада қудратли қурилиш индустрияси барпо этишга катта эътибор бермоқда. Шундай қилмай туриб, йилдан-йилга ошиб бораётган қурилиш-монтаж ишлари планини қониқарли бажариш мумкин эмас.

Республика Қурилиш министрлиги коллективи етти йилликнинг учинчи йилида ишларни анча уюшқоқлик билан бошлади. Ҳозир ҳамма қурилиш майдонларида ва қурилиш индустрияси корхоналарида КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олган. Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ишларни пухта ташкил этишлари, бинокорларга қулай маданий ва, маиший шароит яратиб беришлари ва бутун коллективнинг эътиборини олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга қаратишлари лозим.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларни дарҳол тугатиб, ишда кескин бурилиш ясаш ва партиямиз XXII съездини катта меҳнат совғалари билан нишонлаш ҳар бир қурувчи, прораб ва инженер-техник ходимнинг шиори бўлиб қолсин.

С. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР қурилиш министри.

СЎЗИМИЗ ҚАТЪИЙ

Республикамизда партия XXII съезди шарафига мусобақа байроғини кўтарганлар орасида 159-қурилиш трести коллективи ҳам бор. Бинокорлар ваъдаларининг устидан чиқиш учун қизғин курашмоқдалар.

Шу трестга қарашли 8-бошқарманинг Антон Анестес бошлиқ бригада бинокорлари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Дастлабки уч ойлик топшириқ ортиғи билан бажарилганлиги бунинг далилидир.

Бригада Куйбишев районидаги 61-ўрта мактаб биносини қурмоқда. Шомил Курамсин сингари тажрибали ғишт терувчилар смена топшириғини 2-2,5 баравар ошириб бажармоқдалар. Бетончи Рафаэль Хаитмулин, дурадгор Федор Захаров, арматурачи Нина Давидова, Неъмат Шерматовлар ҳам қурилиш ишларини жадал олиб боратирлар.

— КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик планни 15 августгача бажармоқчимиз,—дейди прораб ўртоқ Багдасаров. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бинокорларимизнинг қатъий аҳди ана шундай.

К. МИРЗАЕВ.

УЗОҚ УМР КЎРАЁТГАНЛАР

Йил сайин кўплаб қурилаётган уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, озиқ-овқат ва саноат моллари-нинг тобора кўп ишлаб чиқарилиши, медицина хизматининг яхшиланиши ва бошқа кўпгина ҳаётий тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги совет кишиларининг турмушини яхшилаб, соғлиғига соғлиқ, умрига умр қўшмоқда.

Редакциямизга кўплаб келаётган хат ва хабарлар фаровон ҳаёт туфайли бир асрдан ортиқ умр кўраётган кишиларимиз сони тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Районимизда яшовчи кекса колхозчи Тешабой Холматов, — деб ёзади Тошкент область, Гулистон районидан **М. Соҳибиазаров**, — 105 ёшга кирди. Унинг рафиқаси Ойшабиби Холматова 102 ёшда. Бу бахтиёр кексаларнинг 4 ўғли, 3 қизи бор. Катта ўғли Исматилла ака 78 ёшга, қизи Хадичабиби 72 ёшга кирган.

Тўрақўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида яшовчи Тўхтабиби Хўжаназарова яқинда 110 ёшга, Марғилон районидаги «Коммунизм» колхозида турувчи Н. Норматова 100 ёшга тўлди. Бу ҳақда Фарғона областидан ёзган **О. Нодиров** ва **Т. Тешабоев** ўртоқлар ҳурматли оналарнинг жуда кўп невара, эвара ва чеваралари борлигини хабар қиладилар.

«Ўтмишда қўлимиз косов, чочимиз супурги эди. Қорнимиз овқатга, устимиз кийимга ёлчимас эди. Советлар ҳукумати тузилди-ю, бахтимиз очилди. Советлардан айлансанг ҳам оз, ўргулсанг ҳам» деб ёзади андижонлик **О. Абдуфаттохов** Қўрғонтепа районидаги Ленин номли колхозда яшовчи 104 ёшли Улуғбуви Сиддиқованинг сўзларини келтириб.

Андижондан келган бошқа бир хатда Сталин районидаги «Коммунизм» колхозининг собиқ аъзоси Тожинисо Жалолова бу йил 105 ёшга кирганлиги айтилади. **З. Бобожоковнинг** ёзишича Тожинисо она фарзандлари билан хушчақчақ яшаётир. Унинг невараларидан бир нечаси ҳозир Москвадаги олий ўқув юртларида ўқимоқда.

Шунингдек, Хоразм областидан **М. Абдураҳимов** ва **Р. Эшжонов** ўртоқларнинг хабар беришларича Гурлан районидаги «Коммуна» колхозининг кекса аъзоси Салима Отажонова 101 ёшга. Хева районидаги Калинин номли колхознинг собиқ аъзоси Ибодулла Миралиев 110 ёшга, унинг укаси Дурди Миралиев эса 100 ёшга кирди.

Биз бу ерда редакциямизга республикамизнинг ҳамма ерларидан келаётган хатларнинг баъзи бирларигина келтирдик. Улар совет тузуми туфайли халқимиз фаровон ҳаёт кечираётгани ва кишиларнинг умри тобора узайиб бораётганини кўрсатади.

Қисқа хабарлар

* Андижондаги маданият уйларида **адабий дискуссия клублари ташкил қилинди.** Клубларнинг программасида адабий асарларни, маҳаллий театр постановкаларини ва «Ўзбекфильм» картиналарини муҳокама қилиш кўзда тутилади.

* Москвада нашр этилган «Темир йўлчилар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари» деган тўпламда Тошкент тепловоз депосининг новатор машинисти **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Василий Николаевич Немудров ҳақида очерк босилган.**

* Чирчиқдаги Навоий номли кинотеатр ҳузурида Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи **жамият шаҳар бўлимининг лекторийси очилди.** Лекциялар киносеанслар бошланишидан олдинроқ ўқиладн. (ЎзТАГ).

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН!

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАР

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IX пленуми Ўзбекистондаги бир қанча ирригация қурилишларини Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишлари деб эълон қилди. Янги ерларнинг ўзлаштирилишини тезлаштириш учун бу ерга тез ўртада минглаб ёш ташаббускорлар келади.

Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор, республика Сув хўжалиги министрлигининг инженери И. Кукка мурожаат қилиб, ёшларнинг янги қурилишлари ҳақида гапириб беришни сўради.

Қашқадарё водийсини Ўзбекистоннинг энг кам сувлик райони деса бўлади. Ҳозирги вақтда қурилаётган ярим миллиард кубометр ҳажмли Чимқўрғон сув омбори қирқ минг гектар унумдор ерларни суғоришга имкон беради. Бу йил кўкламда бу сув омборига 170 миллион кубометр сув тўпланади, яна бир йилдан кейин эса сув билан тамомила тўлгазиб қўйилади.

Ўзбекистоннинг субтропик районларида ҳам 130 минг гектар жуда унумдор ерлар фойдаланилмасдан ётибди. Сурхондарё ўзанида 800 миллион кубометр ҳажмли сув омбори қурила бошланди. Қурилиш индустриясининг бир қанча корхоналари ҳозирдаёқ ишларни бошлаб юборди, йўллар, алоқа ва электр линиялари қурилди, ишчилар посёлкаси вужудга келди. Келгуси кўкламда сув омборининг биринчи навбат қисми қурилиб бўлади, 1963 йилда эса олти минг гектар майдонда сунъий денгиз барпо этилади. Бу омбордан сувни далаларга оқизиш учун Занг магистрал канали қайта қурилмоқда, Шеробод суғориш канали қурилаётир.

Қорадарёдаги Кампирровот сув омбори қурилиши ёшлар учун ажойиб меҳнат мактаби бўлади. Бу сув омбори қурилиши кўламлари ғоят катта бўлади. Дарёни кесиб ўтадиган тўғон 25 қаватли уй баландлигича келади. Гидротехника иншооти сув ўтказмайдиган темир-бетон экран билан қопланади. Тўғонга 6 миллион кубометр тупроқ ва бир ярим миллион кубометр тош ётқизиш талаб қилинади.

Жанубий Мирзачўл канали Мирзачўлдаги кўриқ ерларни ўзлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу каналнинг биринчи навбат қисми қурилиб бўлгандан кейин Жиззахга томон трасса қурила бошлади. Суғориш каналининг сув ўтказиш қобилияти Оҳангарон сингари икки дарёга баравар бўлади. Канал телемеханика приборлари ёрдами билан бошқарилади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

Чора кўрилди

«Колхозимиз раиси Бўри Очилдиев коммунистга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилмоқда. Колхознинг иши ўлда-жўлда. Колхозда етарли уруғ тайёрлаш имконияти бўлишига қарамай, давлатга маҳсулот топшириш сотиб олинган маблағ ҳисобига бажарилмоқда...»

Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз аъзоларидан редакциямизга келган бу хат Сурхондарё область партия комитетига юборилган эди Яқинда область партия комитетининг секретари ўртоқ С. Усмонов қуйидагиларни билдирди:

Хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Бу масала Сариосиё район партия комитетининг бюросида муҳокама қилиниб, колхоз раиси Бўри Очилдиевга шахсий делосита ёзиш шарти билан қатъий виговор берилган.

Муҳокама пайтида колхоз раисининг ўринбосари Менгliев, бригада бошлиғи Норқобиловларнинг ҳам ножўя ҳатти-ҳаракатлари қораланиб, уларга партия жазоси берилди.

Текшириш якуни колхознинг умумий мажлиси муҳокамасига қўйилган эди, артель аъзолари Очилдиевни раислик вазифасидан бўшатдилар.

☆

«Ташавтомаш» заводининг илғор созловчиси Мирзалил Мирсобиров КПСС XXII съезди олди умум халқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда янги ютуқларга эришмоқда. У съезд шарафига автодвигателлар учун запас қисмларни ишлаб чиқарадиган дастгоҳларни сифатли созлаш мажбуриятини олган.

Суратда: М. МИРСОБИРОВ.
И. Глауберзон фотоси.

☆

ОЛТИН КИТОБГА ЁЗИЛИШ УЧУН КУРАШАМИЗ!

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ „ПОЛИТОТДЕЛ“ КОЛХОЗИ АЪЗОЛАРИ:

ОЛТИН ҲУРМАТ КИТОБИГА ЁЗИЛИШ ШАРАФИГА САЗОВОР БЎЛИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БОШЛАДИК!

...Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига сазовор бўлиш ҳуқуқи учун мусобақа ташкил қилиш керак.

...Олтин китобга номи ёзиладиган ҳар бир кишига гувоҳнома ёки диплом берилади, бу фақат унинг ўзи учунгина эмас, болалари ва неваралари учун ҳам катта эсдалик бўлади.

Н. С. ХРУШЧЕВ

Гектаридан 40 центнердан пахта, 200 центнердан луб

М. Г. ХВАН,
колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

□ □

ОЗОД ва шавкатли меҳнат кишини улуғлайди. Меҳнат чиндан ҳам инсоннинг қувонч манбандир. Меҳнат кишининг қадр-қимматини нақадар оширишини шу кеча-кундузда тағин ҳам чуқурроқ ҳис қилмоқдаман.

Колхозимиз аъзоларининг шавкатли меҳнати тўғрисидаги, оддий, камтарин кишиларнинг меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатаётганлиги тўғрисидаги довруқ бутун иттифоқимизга тарқалди. Колхозимиз аъзоларининг, айниқса маккажўхорикорларимизнинг ишига КПСС Марказий Комитети, қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев ғоят катта эътибор, ғоят юксак баҳо берди. Бунинг учун бутун колхозимиз аъзолари номидан қайта-қайта раҳмат айтгим келади.

ЕТТИЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИДА КОЛ. ХОЗДА ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 40 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА, 200 ЦЕНТНЕРДАН ЛУБ ПОЯСИ ОЛАМИЗ. БУ ЙИЛ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИГА 700 МИНГ КИЛОГРАММ СУТ СОТАМИЗ.

Қадрдон дўстимиз Никита Сергеевичнинг нутқларини ўқир, унинг оташин сўзларини радио орқали ёки ёнма-ён ўтириб тинглар эканман, ўзингда янги улуғ ишларга парвоз қилиш учун қанот пайдо бўлгандек ҳис қиласан. У меҳрибон ота ўз фарзанди билан қандай гаплашса, худди шундай тушунарли тилда сўзлайди. Ана шу оталарча ғамхўрликни, партиямизнинг коммунистик мўл-кўлчилик вужудга келтириш тўғрисидаги меҳрибончилигини тўла ҳис қилаётган колхозимиз аъзолари бу йил ҳар гектар маккажўхоризордан булутургидан 50 центнердан ортиқ — 1900 центнердан думбул сўтаси билан кўкпоя олиш, ҳар гектар майдондан 40 центнердан пахта етиштириб, давлатга 1960 йилдагига нисбатан 1000 тонна кўп пахта сотиш, республикамиздаги ни, бу йил мамлакатга 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» топширамиз, деб дангал айтган пахтакорларни барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига мусобақани тобора кучайтиришга, ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига муяссар бўлиш учун социалистик мусобақа байроғини тағин ҳам баландроқ кўтаришга чақирамиз.

Пешқадамларнинг номи ёзиладиган Олтин китоб қардош Қозоғистонда биринчи бўлиб таъсис этилди. Бу Олтин китобга қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг бош ташкилотчиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номи биринчи бўлиб ёзилади. Бу бутун халқимизни қувонтирмоқда.

Биз ҳам Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига сазовор бўлиш учун мусобақа бошладик. Ленин орденли Андижон область Избоскан районидаги Сталин номли колхоз аъзоларининг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун фидокорона меҳнат қиламиз.

Коммунистлар — авангард

С. КИМ,
колхоз партия комитетининг секретари

□ □

ИНСОН сўзи мағрур жаранглайди. Ҳамма нарса инсон учун, халқ бахт-саодати учун!

Коммунизм — мўл-кўлчилик демакдир. Коммунизм, барча инсонлар теппа-тенг, бахтиёр, фаровон ҳаёт кечирадиган даражага эришади, ижодий меҳнат ҳар бир кишининг ҳаётий талаби бўлиб қолади демакдир.

Колхозимиз посёлкасига бир келинг: колхозчиларнинг уйларида, колхозимиз меҳмонхонасида, боғларимизда бир меҳмон бўлинг. Коммунизмнинг аён нишоналарини кўрасиз. Коммунизм қуртаклари гунча бўлиб, гуллаётганлигини бутун юрагингиздан сезасиз.

Бу қуртаклар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда, моддий ноз-неъматлар етиштиришни кўпайтириш учун техниканинг кучидан энг кўп фойдаланиб, кам меҳнат сарф қилган ҳолда кўп маҳсулот етиштиришда, кишиларнинг бадавлат рўзғорида кўзга ташланади.

Совет кишилари — коммунизм ижодкорлари, мўл-кўлчилик ижодкорлари. Коммунистлар ана шу ижодкорларнинг биринчи сафидадир. Мана бутун мамлакатга донги кетган, бу йил 6 метрли маккажўхори ўрмонзорини вужудга келтирган кишиларнинг бири ким? Оддий колхозчи, коммунист аёл Любовь Ли. Кунига салкам 1 цистерна сут соғаётган киши ким? Коммунист Роза Квон! Гектаридан 51 центнердан пахта топширган азамат ким? Абдулла Абдураҳмонов — коммунист, илғор бригада бошлиғи. Колхозимизда 107 киши партия аъзоси. Улар меҳнатда жавлон уриб, шахсан ўзлари ибрат кўрсатмоқдалар, кўпчиликка бош бўлмоқдалар, оммани коммунистча яшашга ўргатмоқдалар.

Етти йиллик марраларига тезроқ, илдамроқ етиб олиш учун курашда коммунистлар олдинги сафда бормоқдалар.

Совет кишилари тинч меҳнатда буюк қаҳрамонлик кўрсатмоқда. Яхшиларнинг ҳам яхшиси бор, илғорларнинг ҳам илғори бўлади. Уларнинг номини Олтин китобга зар ҳал билан сира ўчмас қилиб ёзилса арзийди. Келажак авлодлар коммунистик маъмурчилик учун курашган қаҳрамон совет кишиларига, машъаллярга албатта ҳавас билан қарайди.

ТИЛЛАРДА ДОСТОН БЎЛСИН

ЛЮБОВЬ ЛИ,
маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи, Тошкент область Советининг депутати

□ □

ЕР чиндан ҳам хазина. Унинг олтин калиди ўзимизнинг қўлимизда. Бу — меҳнат! Биз бултур ғайрат билан маккажўхорига ихлос қўйиб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев айтгандек меҳр-муҳаббат билан ишладик.

1960 ЙИЛДА СУҒОРИЛАДИГАН 100 ГЕКТАР ЕРНИНГ ҲАР ГЕКТАРИДАН 1850 ЦЕНТНЕРДАН ДУМБУЛ СУТАЛИ МАККАЖУХОРИ КУКПОЯСИ ОЛДИК. БУ ЙИЛ ГЕКТАРИДАН 1900 ЦЕНТНЕР. ДАН!

Натижа кутганимиздан ҳам яхши бўлиб чиқди: 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан думбул сўтаси билан 1850 центнердан кўкпоя олдик. Ҳар гектар майдонда 37 минг озуқа бирлиги етиштирилди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар гектар майдондан олинган ҳосил билан мол боқилса 32.5 тонна сут ёки 14 тонна сариёғ олиш мумкин.

Партия ва ҳукуматимиз, шахсан Никита Сергеевич бизнинг меҳнатимизга кўп йирғилишларда жуда юксак баҳо берди. Бунинг учун минг раҳмат!

Қаҳрамон совет халқи — миллион-миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни қисқа вақт ичида ўзлаштириб, давлат омборига миллярд пудлаб ғалла тўкишга қодир кишиларнинг, коммунизм ижодкорларининг номи Олтин китобга ёзилишга муносибдир.

3 БАРАВАР КЎП ҲОСИЛ

А. АБДУРАҲМОНОВ,
пахтачилик бригадасининг бошлиғи

□ □

РАИСИМИЗ ўртоқ Хван Олмаотадан, ўзбек халқининг қалин дўсти Никита Сергеевич Хрушчев қатнашган йиғиндан қайтиб келди. Партия Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Хрушчевнинг оддий бир колхоз раисини кенгашга шахсан таклиф қилганлиги ҳаммамизни қувонтирди. Қишлоғимизда, далаларда ижодий меҳнат авж олиб кетди. Никита Сергеевич билан раисимизнинг ўзигина эмас, гўё ҳаммамиз учрашиб, суҳбатлашгандек қувонмоқдамиз.

БРИГАДАМИЗ БУ ЙИЛ БУЛ. ТУРГИНА НИСБАТАН 3 БАРАВАР, КОЛХОЗИМИЗ ЭСА 1000 ТОННА КУП ПАХТА СОТАДИ.

Биз пахтакормиз. Пахта — халқимизнинг миллий ифтихори, битмас-туганмас бойлигидир. Бултур 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 51 центнердан ҳосил топширган эдик. Бу йил ерimiz уч баравар кенгайди. Бугун-эрта чигит экишга киришамиз. Гектаридан камида 50 центнердан «оқ олтин» топширамиз. Дилимиздаги энг яхши мақсадимиз, қатъий аҳду паймонимиз шу!

...Сизларнинг ҳаммангиз Ўзбекистон республикасидаги «Политотдел» колхозининг раиси ўртоқ М. Г. Ханнинг нутқини эшитдингиз. Бу колхоз ҳар бир гектардан сўталари билан бирга 1850 центнер маккажўхори олди ва маккажўхориси ўриб олинган шу ернинг ўзига яна турп экиб, унинг гектаридан 300 центнердан ҳосил олди... «Политотдел» колхозининг колхозчилари маккажўхорига бошқача муомала қилмоқдалар. Колхозчилар маккажўхорига юз ўгириб қараганликлари учун маккажўхори ҳам колхозчиларга юз ўгирди...

Н. С. ХРУШЧЕВ

600.000 килограмм сут

Роза КВОН,
сут соғувчи

□ □

ПЕШқадамларнинг, илғорларнинг, машъаллярнинг номи ёзиб қўйиладиган Олтин китоб таъсис этилса, жуда соз бўлади. Бу ғамхўрлик, бу ҳурмат-эҳтиром учун партиямизга, Никита Сергеевич Хрушчевга раҳмат.

Олтин ҳурмат китобига ёзилиш шарафига муяссар бўлиш учун кураш мамлакатимизда ҳамма нарсанинг сероб бўлиши учун кураш демакдир. Номи Олтин китобга ёзилса арзийдиган ҳужаликлар, машъаллар ҳозирнинг ўзидаёқ бор. Янги қаҳрамонлар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилган районларда айниқса кўп. Яна янги азаматлар туғилади. Булар Мирзачўл ерларини ўзлаштириш дашт ерларини ўзлаштирувчилар.

БУЛТУР 98229 КИЛОГРАММ ЭДИ. БУ ЙИЛ 150 СИГИРДАН 600.000 КИЛОГРАММ СУТ СОҒИБ ОЛАМАН.

Қарши даштларини гулистон қилишда, Марказий Фарғонанинг бўз ерларида, мўл-кўл «оқ олтин» учун курашда, беполон Ватанимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида туғилади.

Мен 6 йилдан буён сут соғувчи бўлиб ишлайман. 1956 йилда 10 сигирдан 23 минг килограмм, 1957 йили 12 сигирдан 38 минг килограмм, 1958 йилда 47 минг килограмм, 1959 йилда 61 минг килограмм, бултур салкам 100 минг килограмм сут соғдим.

Шу йилнинг бошидан бери 120 та сигирни «арча» усулида соғишга кўчдим. Ҳар бир сигирдан кунига камида 10 килограммдан сут соғиб оляпман. Партиямизнинг XXII съездига совға қилиб 1 Майгача 150 та сигирни соғишга ўтаман.

Ўз меҳнатим билан коммунистик маъмурчиликни вужудга келтириш ишига кўпроқ ҳисса қўшиш учун интиламан.

Ойга ўз байроғини тиккан, инсоннинг энг дадил орзуларини рўёбга чиқараётган қаҳрамон халқимизнинг фарзандлари — энг яхши йигит-қизларнинг номи тарих саҳифасига, Олтин китобга ёзилажак!

Мана, тилларда достон бўлган кенг маккажўхоризор. Никита Сергеевич Хрушчев бу ажойиб далани мақтаб, ана шу экин майдонини йўлбарслар юрадиган бутазорга ўхшатган эди. Ҳақиқатан бўйи олти метрли бу маккажўхоризор бутазорга, ўрмонзорга ўхшаб кетган. Шунинг учун ҳам унинг ҳар гектаридан 1850 центнердан сўтаси билан кўкпоя олинди. Бу йил эса, шу сахий ернинг ҳар гектари 1900 центнердан ҳосил беради! СУРАТДА: маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи ЛЮБОВЬ ЛИ ва колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. ХВАН ўртоқлар маккажўхоризорда.

Ҳаётбахш дўстлик

Т. ТУРСУНБОЕВ,
колхозининг «Коммунизм» участкасидаги дала мудири

□ □

ХАЛҚИМИЗНИНГ: «Дўстсиз бошим — тузсиз ошим» деган ажойиб мақоли бор. Ҳақиқатан дўст тутиниш, аҳил яшаш инсоний фазилат. Биз совет кишилари, турли миллат фарзандлари абадий дўстмиз. Улуғ Ленин, шонли партиямиз — бу дўстлик ижодкори.

Колхозимизда 20 га яқин миллат фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб, Ватанимиз куч-қудратини тобора ошириш учун меҳнат қилишмоқда. Ўзбек ҳам, корейс ҳам, рус ҳам, қозоқ ҳам, қирғиз ҳам — ҳамма бир-бирига қондош-жондош.

Бизда ҳамма бир оиланинг фарзанди: ака-ука, опа-сингил. Теримчи Заврихон Норбековани, пахтакор Абдулла Абдураҳмоновни, маккажўхорикор Любовь Лини, қанопдан юқори ҳосил етиштирувчи устаси Шин Хай Ронни бирдек севади, ҳурмат қилади. Рон колхозимизнинг энг яхши бригадирларидан бири. Унинг бригадаси бултур 181 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 264 центнердан каноп пояси олишга муваффақ бўлди. Бу — шу вақтгача кўрилмаган юқори ҳосил.

Колхозимизнинг 1960 йилги даромади янги пул билан 6 миллион сўм бўлди. Катта рўзғор бойлигини кўпайтиришга ҳаммамиз тенг ҳисса қўшяпмиз. Коллективнинг бойлиги эса посёлкани, қишлоқларни тобора обод қилишга сарф бўлмоқда.

Дўстлигимиз, улуғ рус халқи бош бўлган иттифоқ оила тобора мустаҳкамланаверади. Бу дўстлик янги ғалабаларнинг гаровидир.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

А. А. ГРОМИКО Ж. КЕННЕДИ БИЛАН УЧРАШДИ

ВАШИНГТОН, 27 март. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 12 да СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Оқ уйда АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашди. Бу учрашувда СССРнинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков А. А. Громико билан бирга бўлди.

Учрашув вақтида Америка томонидан АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Честер Боулс, давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ёрдамчиси Ф. Колер, давлат секретарининг совет ишлари бўйича махсус ёрдамчиси Ч. Болен ва АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Э. Стивенсон ҳозир бўлди.

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикониинг президент Кеннеди билан учрашуви бир соат давом қилди.

ВАШИНГТОН, 28 март. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашганидан кейин матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни берди:

Президент билан мен жуда мароқли ва фойдали суҳбатда бўлдим, суҳбат вақтида Лаос масаласи ҳақида гаплашилди.

Президент билан мен Лаоснинг тинч ривожланишини ва унинг чинакам бетарафлик сиёсатини ўтказишни таъминламоқ учун бу мамлакат тўғрисидаги масалани тинч йўл билан бартараф қилиш имконияти бор, деб умид билдирдик.

Ҳар иккала томон ҳудди шу йўлда ҳаракат қилсалар яхши бўлур эди. Табиийдирки, суҳбат вақтида АҚШ билан Совет Иттифоқини қизиқтираётган бошқа масалалар ҳақида ҳам гаплашилди.

Мухбирлардан бирининг саволига жавобан СССР ташқи ишлар министри, мен АҚШ президенти билан учрашган вақтимда, унга Совет ҳукумати ва шахсан Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг муҳокама қилинган масалаларга доир нуқтаи назарларини оғзаки равишда айтиб бердим, деди.

ВАШИНГТОН, 28 март. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашганидан кейин Оқ уйнинг матбуот масалалари бўйича секретари Сэлинжер Кеннеди номидан журналистларга бундай деган: АҚШ президенти «манфаатдор бўлган томонлар ўртасида келишувга эришилади, бу келишув уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва бетараф ҳамда мустақил Лаосни яратиш имкониятини беради, деган умидда турибди».

УЧ ДАВЛАТНИНГ ЖЕНЕВА КЕНГАШИДА

ЖЕНЕВА. 27 март. (ТАСС). Ядро қуроли синовларини тўхтатишга бағишланган уч давлат кенгашининг Миллатлар саройида Буюк Британия вакили Д. Ормсби-Гор раислигида ўтказилган навбатдаги мажлиси ўз ишини тамомлади.

Бир соат чамасида давом қилган бу мажлисда АҚШ вакили А. Дин сўзга чиқиб, жойларда инспекциялар ўтказиш масаласидаги эски важларни такрорлади.

Мажлис тамом бўлгандан кейин қабул қилинган хаборотда, кенгаш қатнашчилари кенгашда қараб чиқиш учун қўйилган материалларни муҳокама қилдилар, дейилади.

Кенгашнинг навбатдаги мажлиси эртага ўтказилмоқчи.

АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ҚОҲИРА, 27 март (ТАСС). Африка халқларининг учинчи конференцияси ҳозирги замоннинг актуал масалаларини муҳокама қилишни давом эттирмоқда. Африка қитъасининг ва бутун дунёнинг халқлари бу масалалар одилона ҳал қилинишини кутмоқдалар. Жазоир делегациясининг бошлиғи Аҳмад Буменжал конференцияда сўзга чиқиб, Жазоир Республикасининг мураккат ҳукумати Жазоир проблемасини Жазоир халқи учун озодлик ва суверенитетни таъминлайдиган равишда тинч бартараф қилиш йўли музокаралар натижасида топилади, деган шарт билан Франция ҳукумати билан музокаралар олиб боришга рози бўлганлигини айтди. Жазоир вакили агрессив Шимолий Атлантик блокининг Францияга Жазоирдаги қонли урушни олиб боришда ёрдам бераётганлигини қаттиқ қоралади.

Жазоир вакили Африкада империализмга қарши бирлик фронти тузишга делегатларни даъват қилди ва бу бирлик фронти империалистик фронтга қарама-қарши бўлиб туриши кераклигини айтди. Конгодаги воқеалар, деди у, шундай фронт тузиш зарурлигини исботлаб берди.

Ялпи мажлисда Конго вакили Антуан Кивева ҳам сўзга чиқиб, Чомбени ва мустамлакачиларнинг бошқа малайларини қаттиқ қоралади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конго проблемасини ҳал қилмаганлигини уқтириб ўтди.

Антуан Кивева Конгонинг Антуан Гизенга бошчилигидаги қонуний ҳукумати номидан конференцияни табриклади ва қонуний ҳукумат қўшинлари Кивю вилоятини ва Катанга вилоятининг бир қисмини Мобуту шайкаларидан ва империалистларнинг бошқа малайлари шайкаларидан тозалаганлигини айтди.

Африка халқларининг III конференцияси, деди Конго вакили, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ўз резолюцияларини амалга оширишни, Конго парламентининг ўз ишини яна бошлаб юборишни учун шароит яратиб беришини талаб қилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гизенганинг қонуний ҳукуматини танишини талаб қилиши лозим.

Делегатларнинг таклифига биноан, конференция раиси Фуод Галол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясига телеграмма юборди. Телеграммада Конгодаги аҳволнинг жиддий эканлиги таъкидланади ва Конгога озодликни таъминлаб бериш кераклиги таъкидланади. Конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан Конгонинг А. Гизенга бошчилигидаги қонуний ҳукуматини қўллаб-қувватлашни ва Патрис Лумумбани ўлдирган қотилларни қаттиқ жавобгарликка тортишни талаб қилади.

Кеча конференцияда унинг кун тартибида турган масалаларнинг муҳокама қилинишини давом эттириш ва шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар тайёрлаш учун бешта комитет тузилди.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Чет эл хабарлари

◆ Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт Африка халқларининг Қоҳирада бўлаётган III конференциясига табрик телеграммаси юборди. Табрик телеграммасида айтиладики, Германия Демократик Республикаси Африка халқларининг озодлик ва миллий мустақиллик учун олиб бораётган курашини кескин қўллаб-қувватлайди. Конго ва Жазоир халқларига самимий хайрихоҳлик изҳор қилади ҳамда конференция қатнашчиларига уларнинг олижаноб ишида муваффақиятлар тилайди.

◆ Будапештнинг энг гавжум Ленин—Керут магистралида қурилган янги театрнинг эшиклари Будапешт аҳолиси учун биринчи марта кенг очилди. Мадач номидаги театр янги бинога жойлашди.

◆ Япония ташқи ишлар министрлиги япон балиқ овлаш кемаларининг Жанубий Корея ҳарбий корабли томонидан ўққа тутилганлиги ва ушлаб олинганлиги муносабати билан Жанубий Корея маъмурларига расмий норозилик билдирди. Япония ҳукумати ушлаб олинган кемаларнинг дарҳол қўйиб юборилишини, Жанубий Кореянинг кечирим сўрашини ва айбдорларга чора кўрилишини талаб қилади.

◆ Португалиянинг самолётлари сўнгги ойлар ичида Даман ва Диу районларида Ҳиндистоннинг ҳаво чегараларини бир неча марта бузадилар. Ҳиндистоннинг Португалия билан дипломатик муносабатлари бўлмаганлиги туфайли, Ҳиндистон ҳукумати шу муносабат билан Англия ҳукумати орқали норозилик билдирмоқчи.

◆ Бельгия йўлларида 1960 йилда 170 мингтадан ортиқ бахтсиз ҳодисалар рўй берган. Мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган ва 14 минг га яқин киши оғир ярадор бўлган. (ТАСС).

БЕЛЬГИЯ ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ЛОНДОН. 27 март. (ТАСС). Рейтер агентлигининг хабар беришича, Бельгия бош министри Г. Эйскенс ҳукуматнинг истеъфо бериши тўғрисидаги аризани королга топширган.

ТАН СОҒЛИК—ТУМАН БОЙЛИК

Соғ танда — соғ ақл, дейди халқимиз. Кишининг соғлом бўлишида физкультура ва спортнинг роли катта. Кунларнинг исиши билан физкультура ва спорт коллективлари ёзги спорт мавсумига тайёргарлигини қизитиб юбордилар. СУРАТДА: Узбекистон давлат физкультура институтининг студентлари бадиий гимнастика машғулотида.

И. Глауберзон фотоси.

ТАШАББУС

«Ташсельмаш» заводи спортчилари ажойиб ташаббус бошладилар. Улар барча ишчиларни спортга тортиш, секцияларни кўпайтириш, завод терма командаларини касаба союз Бутуниттифоқ спартакиадаси ва СССР халқлари III спартакиадаси мусобақасига қатнаштиришга аҳд қилдилар.

УЗБЕКИСТОН СУЗУВЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Тошкент, Чимкент, Қарағанда ва Олмаота спортчилари Қарағанда шаҳтёрларининг ажойиб спорт саройига тўпландилар.

Традицион учрашувнинг юзга яқин қатнашчилари стартга чиққанда уларни минглаб ишқивоз томошабинлар кутиб олди. Ўзбекистон бу мусобақада икки команда билан қатнашди. Мусобақанинг биринчи тури — 100 метрга шоҳ усули билан сузишда финишга биринчи бўлиб Ўзбекистон вакили А. Индюкова етиб келди. Унинг натижаси 1 минут 11,7 секунд. Иккинчи ўринни ҳам Ўзбекистон командасининг аъзоси М. Любомирский (1 минут. 0,8 секунд) эгаллади.

Брасс усули билан сузишда 100 метрли масофани биринчи бўлиб Ўзбекистонлик В. Толстопетов ва А. Архиповлар сузиб ўтдилар.

Мусобақанинг иккинчи ва учинчи кунларида ҳам тошкентлик спортчилар ғолиб келди. Улар мусобақанинг охиригача пешқадамликни қўлдан бермадилар. Фақат дельфин усулида 100 метрга сузишда қарағандали М. Шабай тошкентлик Э. Максимовадан ўзиб ўтиб, финишга биринчи бўлиб келди.

Умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни Тошкентнинг биринчи командаси, иккинчи ўринни эса иккинчи командаси олди. Ўн бир ўзбекистонлик спортчи I разряд нормасидан юқори натижани кўрсатди.

Учинчи ўринни — Қарағанда командаси, тўртинчи ўринни Олмаота командаси ва охирги бешинчи ўринни Чимкент командаси эгаллади.

А. КУДРИН.
Олмаота шаҳри

ҚИШЛОҚ ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

Гурлан районидаги Сталин номли колхоз клубида шахмат бўйича «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти қишлоқ спортчиларининг шахсий команда биринчилиги учун 1961 йилги мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада иштирок этган Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Фарғона, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд областларининг қишлоқ шахматчилари қатнашди. Кучли тортишув натижасида 1-ўринни 25 имкониятдан 19 ярим очко тўплаган Тошкент областининг шахматчилари эгалладилар. 2-ўринчи 16 ярим очкога эга бўлган андижонликлар. 3-ўринни 16 очко олган хоразмликлар, 4-ўринни самарқандликлар, 5-ўринни эса Қорақалпоғистон АССР шахматчилари эгалладилар. Фарғона областининг шахматчилари охирги ўринга тушиб қолди.

Мусобақанинг охирги кунида 1-ўринни эгаллаган Тошкент областининг қишлоқ шахматчилари «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг кўчма кубоги ҳамда 1-даражали дипломи билан, 2-ўринни эгаллаган Андижон область шахматчилари 2-даражали диплом, Хоразм область командаси 3-даражали диплом билан мукофотланди.

Таҳталар бўйича ўйнаган ғолиблар 1-даражали диплом, Жетон ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

В. РЯЗАНОВ.
Мусобақа бош судьяси.

ГАВҲАР

МИРТЕМИР

Олтин санаяпсиз чоғи, афандим,[1]
Олтин санаяпсиз ғурбат забтида.
Лекин фаҳм этмабсиз, биз ким-у сиз ким,
Фақат ўртанибсиз алам таптида.
Ҳамёнингиз тўлиқ...
шубҳа на ҳожат,
Сотқинлар ҳамёни ҳамиша тўлиқ.
Сопса-соғ одамдай ёзармишсиз хат,
Лекин биламанки, афтингиз сўлиқ.
...Йўлимиз — коммуна, яширмаймиз, ҳа!
Инсоний орзулар — бизнинг орзулар,
Зафар айёмлари, қувноқ қаҳ-қаҳа...
Янглишмасам — сизни қақшатган шулар!
Жаврайсиз, асрлик чақадай сийқа.
Бўҳтонлар тўқийсиз — мағзи оғулар...
Биз-чи?
Довон ошдик биз ҳар дақиқа,
* * *
Тўғонлар ошгандай баҳорги сувлар...
Қўйинг, сиз мунчалар вайсаманг, жаноб,
Қандай оҳангга жўр жаврайсиз-а!
Узингиз нотавон, қалбингиз нотоб,
Орзунгиз жирканчу...
аврайсиз-а!
Қора тер тўкасиз ким учун, нечун,
Билмайсиз, бу — бизга аниқ нақадар.
Гўё ўлкамизда ҳукмронмиш тун...
Кўр ҳам кўрмоқда-ку, бедард эй, овсар!
Она сути ҳаром, юрт нони ҳаром,
Тузлиққа тупурмиш замон аблаҳи,
Равомиди сенга ўзбек деган ном,
Садқаи қалам кет, иблис-дўзаҳи!
Тилинг — ўзбек, лекин дилинг... алҳазар!
Дилинг — арзимадай ҳаром тукка ҳам.
Айтиб бера қолай, эмас-ку бу сир,
Тенг бўлолмас унга — дунё-дунё зар...
Куёв жигасига қўндирсак арзир
Не куёв, арзийди шоҳлар тожига,
Не тожлар, қуёшдек ёндирсак арзир,
Бермасман дунёнинг юз йил божига.
Туларни ёритар чил-чироқ мисол,
Ҳатто қуёш унда жилосин кўрар.
Шуълалари оқар минг булоқ мисол,
Янги даврон унда даҳосин кўрар.
Бу — озод юртиму ёркин ҳаётим,
Менинг ўзбек деган шу қутлуғ номим,
Олам лол бўлгулик созим — баётим,
Олам лол бўлгулик оташ илҳомим,
Ёруғ келажагим, умидларимдир.
Чинакам шеъриму адабиётим,
Эрта туғилажак Ҳамидларимдир...
Ҳа, бу шундоқ гавҳар, юқмайди ғубор,
Афандим, минг уннанг, юқтиролмайсиз.
Гўл деманг, шукурки, ақлу ҳушим бор,
Минг жавранг, андоқ гап уқтиролмайсиз!
* * *
Шундоқ, афандим,
Уқдингизми, биз ким ва ўзлари ким...

[1] Ҳаит номли бир саёқ афанди ўзбек совет адабиётига талай бўҳтон ёғдиргани эшитиб қолганимда ёзганман.

Аброр Ҳидоятов — ўз халқининг фарзанди

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги 27 мартда СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов туғилган кунининг олтмиш йиллигини нишонлади. Ҳамза номли ўзбек академик драма театрининг томоша залида тўлган эди. Ажойиб талантли артистининг кўп муҳиблари, санъат соҳасидаги дўстлари тўпландилар.

Республика халқ артисти А. О. Гинзбургнинг докладида, республика халқ артистлари С. Олимов ва Н. Раҳимовларнинг хотираларида, театрдаги ёш авлод вакилларининг, актёр номидаги мактабда тарбияланувчиларнинг нутқларида ўзбек саҳнасининг устаси босиб ўтган катта ва шонли йўл гавдаланди. Аброр Ҳидоятовнинг ижоди Ҳамза номли театр билан чамбарчас боғланган. У, шу шонли коллективнинг асосчиларидан ва биринчи артистларидан бири эди.

МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба халқи ўз ватанининг асрий қолоқлигини тугатиш ва уни тараққиёт ҳамда маданият йўлига чиқариш учун чиндан ҳам жуда катта куч-гайрат сарфламоқда. Халқ саводсизлик занжирлари билан кишанланган бир пайтда мамлакат ўз фабрика ва заводларини қура олмайди, ҳар томонлама ривожланган илғор қишлоқ хўжалигини вужудга келтира олмайди.

Куба меҳнаткашлари ана шу ҳақиқатни жуда яхши англаб, Куба революциясининг раҳбари Фидель Кастронинг бу йил мамлакатда саводсизликни батамом тугатиш ҳақидаги чақириғини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Шу мақсадда кейинги бир неча ой давомида Кубада катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бутун мамлакатда саводсизликни тугатиш комитетлари тузилди. Куба миллий нашриёти неча юз минглаб махсус алифбелар нашр этди. Ўрта мактабларнинг ўқувчилари ёзиш ва ўқишдан дарс бериш тайёргарлигидан ўтдилар.

Қишлоқ аҳолисининг маданиятини тез ва ҳар томонлама юксалтириш мақсадида Куба ҳукумати мамлакатнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда махсус билим берадиган жуда кўп мактаб ва курслар ҳам ташкил қилди. Бу мактаб ва курсларда инструктор-ўқитувчилар тайёрлана дидар. Улар олган билимларини Куба қишлоқларининг меҳнаткашларига берадилар. Ҳозирги вақтда қишлоқ механиклари ва агрономлари, боғдорлар боғчаларининг тарбичилари, халқ ҳунарларининг донишмандларидан иборат ана шундай инструкторлардан 27 минг киши тайёрланмоқда. Бундан ташқари, қишлоқларда музика, рақс ва театр санъатидан дарс берувчи ўқитувчилар тайёрлаб чиқарадиган икки йиллик махсус курслар ташкил қилинмоқда. Йигит ва қизлардан 3 минг киши ўқитиладиган бу курслар Гавана аристократиясининг Гавана яқинида жойлашган собиқ клубида ташкил этилади.

Бу йил, яъни «Билим бериш йилида» саводсизликни тугатиш ва меҳнаткашларнинг маданиятини ҳар тарафлама юксалтириш юзасидан Куба ҳукумати томонидан ўтказилаётган тадбирларни ҳаққоний равишда чинакам маданий революция деб айтиш мумкин. Латин Америкасидаги бирор мамлакатда ҳам бундай революция ҳали амалга оширилган эмас.

Шаль-Ботвинник матчи

ТИНЧ ДУРАНГ

МОСКВА, 27 март. (ТАСС). Юришларни уч марта такрорлагандан кейин Таль—Ботвинник реванш матчининг олтинчи партияси 25-юришда дуранг бўлди. Оқ доналар билан Таль ўйнади.

Редактор
И. РАҲИМОВ.

САЁҲАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Махсус мухбиримиз Рустам Раҳмонов кеча Дзержинский номидаги теплоход бортидан радио орқали хабар қилди: март ойи ўрталарида Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи бўйларидаги мамлакатларга катта саёҳатга чиққан ўзбекистонлик бир группа туристлар Константца, Варна ва Истамбулда бўлганларидан кейин Грециянинг Пирей шаҳрига томон йўл олдилар. Улар бўлган жойларида диққатга сазовор нарсаларни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Саёҳат кўнгилли ўтмоқда. Пирейдан кейин Бирлашган Араб Республикасида бўламиз.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ

Тошкент шаҳрининг Қўғирчоқ театри майдони шу кунларда баҳорги каникулга чиққан мактаб болалари — ёш китобхонлар билан гавжум. Бу ерда болалар китоб ҳафталиги ярмаркаси очилган. Ярмаркада Ўзбекистонда нашр этилган китоблар, қардош республикалар ва чет эл болалар ёзувчиларининг асарлари қўйилган. Хилма-хил, чиройли безатилган, мазмундор китоблар орасида В. Московкиннинг «Ҳаёт қандай, Семён?» повести, А. Ширванзаданинг «Номус» романи, улуғ француз ёзувчиси Жак Реминнинг олдий кишиларнинг халқаро бирдамлиги темасига бағишланган «Жаҳон ёшлари бирлашса...» асари ва бошқа кўп китоблар бор. Ёш китобхонлар болалар шоири С. Маршакнинг «Шеър ва эртаклар», Н. Шварцнинг «Бекор ўтган вақт ҳақида эртак» китобчаларини, атоқли шоир Константин Симоновнинг «Дўстлик шаънига» шеърлари тўпламини қизиқиб олмоқдалар.

Болалар китоби ҳафталиги Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл, Янгиер шаҳарларида ҳам ўтказилмоқда. Китоб ярмаркаларида болалар ёзувчилари билан учрашувлар, нашриётчилар билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Н. ТОЖИБОЕВ.

БОЛЬШОЙ ТЕАТР

(28 МАРТДА БОЛЬШОЙ ТЕАТРНИНГ 185 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИ)

<>

Москвадаги Большой театрнинг номи жаҳонга машҳур.

Кексаларимиз театрнинг Шаляпин, Собинов, Неждонова каби хушовоз ашулачиларининг номини ҳали ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Жаҳон санъатининг маркази бўлган Большой театр 185 ёшга тўлган шу кунларда, кишилар унинг шон-шуҳратларга тўла традицияларни, минглаб томошабинларни мафтун эта олган ашулачи, раққоса, музикашунос, дирижёр ва рассомлари ҳақида тўлқинланиб гапирмоқдалар.

Ажойиб замондош санъаткорларимизни кўриб Большой театр тарихини кўпроқ билгинг келади. Шу мақсадда биз театр музейига кирдик. 1776 йил 28 мартда Москвада доимий рус музика театри труппаси ташкил этилди. Орадан бир неча йил ўтгач, Петровкада ҳозирги Большой театр ўрнида улкан бино «Опера уйи» қад кўтарди. Лекин у чорак асргина яшади. Кунлардан бир кун спектакль бошланмасдан аввал ёнғин чиқиб, бино бутунлай ёниб кетди. 1825 йилда яна янги, кўркам бино қуриб битказилди. Бу, Европада Милан театридан кейинги, иккинчи катта театр биноси эди. Рус профессори Михайлов проекти асосида қурилган бу бино Москва шаҳрининг файзли марказларидан бирига айланди. 1853 йилдаги Москва ёнғини ҳам театрга озмунча зарар келтирмади. Рус архитекторларидан Н. Никулин, А. Ковасларт театрни қайта тиклашда катта хизмат қилдилар. Талантли ашулачи ва раққосалар ўз санъатларини 2 мингдан ортиқ томошабинлар олдида намойиш қила бошладилар.

Шундай қилиб, Большой театр улуғ рус маданиятининг ўчоғига айланди.

Театрнинг энг яхши традициялари совет даврида айниқса камолатга етди.

Улуғ рус халқининг санъат тарихи ҳам шу улкан театр саҳнасида ўз ифодасини топди. «Иван Сусанин», «Хованшчина», «Князь Игорь», «Борис Годунов», «Евгений Онегин», «Подшю қайлиғи», «Пиковая дама», «Садко» каби опералар халқнинг ижтимоий ва моддий ҳаётини ҳикоя қилувчи чинакам халқчил асарлардир.

Н. Обухов, К. Держинская, А. Пирогов, М. Рейзен, Н. Ханаев, И. Козловский, В. Барсова, С. Лемешов каби опера артистлари узоқ йиллар давомида театр саҳнасини яшнатиб келдилар. Улар ўзларидан аввалги касбдошларининг юксак романтик ва реалистик традицияларини давом эттирдилар. Янги, ёш авлод эса ўз устозлари ишининг давомчилари бўлиб қолдилар.

Г. Уланова, М. Семёнова, О. Лепешинская, А. Мессерер, А. Ермолаев, М. Плисецкая ва бошқа кўпгина балет намояндаларимизнинг шон-шуҳрати дунёнинг ҳамма ерига бориб етди. Шу кунларда Большой театр коллективи коммунизм қураётган барча совет халқи сафида бориб етти йиллик илғорлари бўлган замондошларимизнинг ёрқин образларини яратиш учун бутун куч, ғайратларини сарф этмоқдалар.

Г. БАХШИЕВА.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 МАРТДА

12.00 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун). 13.00 — **Дохунда** номли бадиий фильм (ўзбек тилида). 19.00 — **Бизнинг календарь** (ёшлар учун рус тилида). 19.40 — **Сўнгги ахборот**, 20.00 — **Комментатор суҳбати** (рус тилида). 20.15 — **Пахтакорлар, сизлар учун** (ўзбек тилида). 20.35 — **Жанговар қалам** (ўзбек тилида сатира ва юмор). 20.55 — **Уйқусиз йиллар** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/III-да эрталаб **Евгений Онегин**, кечқурун **Риголетто**, 30/III да эрталаб **Олтин калид** кечқурун **Майсаранинг иши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/III-да эрталаб **Ганг дарёсининг қизи**, кечқурун **Фурқат**, 30/III да эрталаб **Олма гуллаганда**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида 31 мартгача катта цирк томошалари. **Арслонлар аттракциони**. Томошалар: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Кўр ўғли — «ВАТАН» (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 3 ва кеч 8 да).

Ажралиш ҳақидаги иш — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Осмонга қараган дераза — СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (2-залда). «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Тўғонлаги ҳодиса — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Кўр музикачи — «ВАТАН». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ». «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-15 минутдан).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

кинотеатрлар экранига

Ўзақли билан

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — **В. Ежов.**

Постановкачи режиссёр — **М. Фёдорова.**

Бош оператор — **А. Полканов.**

Ролларда:

Т. Богданова, И. Пушкарёв, Б. Чирков, Н. Никитина, Т. Пельтцер, Н. Шорина, В. Маркова З. Иванова, А. Крученков, В. Носиклар қатнашади.

Фильмни М. Горький номли киностудия 1960 йилда ишлаган.

«УЗГИПРОВОДХОЗ»ГА

инженерлар ва техниклар: топографлар, гидрогеологлар, гидрологлар

керак

Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, 1-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

1961 йил 11 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 69-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-зали)

А. Ирисов

филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Абу Али ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол қиссаси» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ РЕСТОРАНЛАРИ ВА БУФЕТЛАРИ ТРЕСТИ

9 ва 10-синф ҳажмида маълумотли, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган эркакларни

ОФИЦИАНТЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

2 ойлик курсга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсни тамомлагандан Тошкент шаҳрида иш билан таъминланади.

Курсга киришни хоҳлаганлар Привокзальная кўча, 9-уйда трестнинг кадрлар бўлимига мурожаат қиладилар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

механика-математика ва физика факультетларига киришни хоҳлаган кишиларни

тайёрлов курсига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

улар учун лекторий ва консультациялар уюштиради.

Ўқиш 1 апрелдан бошланади.

Лекторий якшанба кунлари эрталаб соат 9 дан ишлайди.

Керакли маълумотлар ректорат биносида (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 44-хона) кеч соат 6 дан берилади.

«УЗЭЛЕКТРОСТРОЙ» ТРЕСТИГА

трестда ва жойларда ишлаш учун **инженерлар: электриклар, гидротехниклар, энергетиклар, механиклар, электрик техниклар, меҳнат ва иш ҳақи инженерлари ва техниклари, копировщиклар, сметачи инженерлар** ва техниклар, лойиҳа, тузувчи **электрик инженерлар**

керак

Тошкент шаҳар, 1 Май кўча, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29-005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01532. Нашр. Б. 73.